Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
6 июнь
ЧОРШАНБА
№ 45 (13098)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2018/2019 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини инобатга олган ҳолда фойдаланишни яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги "Республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2360-сонли қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва иш берувчиларнинг олий таълим муассасалари битирувчиларига бўлган талаби параметрларининг баланс ҳисоб-китоби ишлаб чиқилди;

аниқ йўналиш ва мутахассисликлар бўйича тайёргарликка эга бўлган олий таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаб-эҳтиёж, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги маълумотлари асосида 2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота:

1-иловага мувофиқ бакалаврлар учун 69 200 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 17 654 нафар ва тўлов-контракт асосида – 51 546 нафар;

2-иловага мувофиқ магистрлар учун 5 903 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 1 552 нафар ва тўлов-контракт асосида – 4 351 нафар;

3-иловага мувофиқ махсус сиртқи бўлимларда бакалаврлар учун 11 765 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 15 нафар ва тўлов-контракт асосида – 11 750 нафар этиб белгилансин.

3. 2018/2019 ўқув йилида қабул қилиш квоталари:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали учун – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3702-сонли қарори билан;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти учун – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3703-сонли қарори билан;

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали, Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали ва Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали учун – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3704-сонли қарори билан;

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети учун – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги "Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3737-сонли қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига ўткир талаб мавжуд бўлган ҳудудлар учун мақсадли қабул бўйича квоталарни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалавриат йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш бўйича таклифи 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

5. Белгилансинки, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида "Мактабгача таълим" бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалавриат таълим дастурлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини тўлақонли ташкил этиш учун "Мактабгача таълим" бакалавриат таълим йўналишининг малакавий талаблари, ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига ўқишга қабул қилишни қайтадан тиклаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги 2018 йил 1 июлгача Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг ўқув бинолари, лабораториялари ва талабалар турар жойларини янги 2018/2019 ўқув йилига тайёрлаш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларини якунласин, шунингдек, уларни зарур ускуналар билан жиҳозласин.

Давоми 2-бетда

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 29 май куни "Қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўзада кафолатли ҳосил яратиш билан боғлиқ долзарб масалалар" юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўртага ташланган масалалар Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама қилинди.*

## СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

### Эндиликда бу тушунча илмий хулосадан ҳаётий ҳақиқатга айланди

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов бошқарган йиғилишда инсоният тарихида сув танқислиги билан боғлиқ муаммолар ҳеч қачон бугунгидек долзарб бўлмаганлиги қайд этилди. Жумладан, кейинги 10-12 йилда дунё сув хўжалигида кечаётган салбий ўзгаришлар мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар ва оддий одамларни ташвишга солмоқда. Жаҳон миқёсида сувга бўлган умумий талаб 550 миллиард куб. метрдан ошганлиги, бугунги кунда ер юзида 1,5 миллиард одам сув танқислигидан азият чекаётганлиги, айни вақтда сув билан боғлиқ табиий офатлар келтираётган зарарлар уч бараварга кўпайганлиги ҳақидаги фактлар ва бошқа мисоллар келтирилди. Ўзбекистон ҳудудида ишлатилаётган сувнинг 80 фоизи шаклланаётган Тожикистон ва Қирғизистон тоғларидаги музларнинг мисли кўрилмаган даражада тез эриб бораётганлиги масаланинг долзарблигини янада яққол кўрсатиб беради.

Сув танқислиги йилдан-йилга ортиб бораётган ана шундай мураккаб шароитда мавжуд сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда вилоят ҳудудидаги Чорбоғ, Тошкент, Оҳангарон сув омборларида жами 2 млрд. куб. метр сув захиралари мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 93 фоизни, ўртача кўп йиллик кўрсаткичга нисбатан эса 88 фоизни ташкил этмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятдаги мавжуд сув ресурсларининг етишмовчилиги 501 миллион куб. метрга тенгдир.

Вилоят учун белгиланган, чекланган сув миқдори асосан Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари ҳамда Сирдарёдан, шунингдек, коллектор-дренаж ва ер ости сувларидан олинади. Соҳа мутахассислари мавжуд экинларнинг вегетация даврида сувга бўлган талабини ҳисоблаб, жами 3570 млн. куб. метр сув сарфланишини аниқладилар. Лекин, бу кўрсаткич 80-85 миқдорда қопланиши ҳозирданоқ маълум бўлиб турибди.

Сессияда ана шундай мураккаб бир шароитда сувдан самарали фойдаланишнинг йўл-йўриқлари муҳокама қилинди ҳамда аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида вилоят бўйича 2500 гектар майдонларда ўқ ариқлар ўрнига эгилувчан қувурлар орқали суғориш технологиясини жорий қилиш лозим. Шу мақсадда Давлат дастури ишлаб чиқилган. 125 та фермер хўжалиги рўйхати шакллантирилиб, ушбу дастурнинг бажарилиши учун тармоқ жадваллари тасдиқланган ва 106 та шартномалар расмийлаштирилган. Бу билан 2120 гектар майдонларда янги технология жорий этилади.

Сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланишнинг яна бир усули пахта майдонларида эгатларга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологиясидир. Ушбу технология 72 та фермер хўжалигида жорий қилиниб, 800 гектар майдон сув билан таъминланади.

Пахта етиштиришга ихтисослашган туманларда экин майдонларига каналлардан ва коллектор дренаж тармоқларидан қўшимча сув етказиб бериш мақсадида 50 дона кўчма насос агрегатлари харид қилинди. Яна 53 та ана шундай насослар сотиб олинади.

Суғориш манбаси охирида жойлашган истеъмолчилардан бошлаб, сувни навбатма-навбат бериш усули натижасида каналлардаги сув сарфини 10-20 фоизга, ўқ ариқлардаги сув исрофини 30-35 фоизга камайтириш мумкинлиги ҳам сессияда айтиб ўтилди.

Давоми 3-бетда

Кўрик-танлов

*Мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий билимларини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Сиз қонунни биласизми?" республика танлови муҳим аҳамият касб этади.*

## ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Танлов йигит-қизларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг эркин фикрли, кенг дунёқараш эгалари бўлиб вояга етишларига хизмат қилаётгани ҳам бор гап. Зеро, танловдан кўзланган мақсад – ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш, иқтидорлилар сафини кенгайтириш ва уларни муносиб рағбатлантиришдир. Шу билан бирга, унда ўз сўзи ва мустақил фикрига эга ёш кадрларни камол топтириш каби эзгу мақсад мужассам.

Тошкент давлат аграр университетида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман ва ҳудудий босқичлардан муваффақиятли ўтган жамоалар иштирок этди.

– Аслида, касб-ҳунар коллежини тамомлагач, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига ўқишга кириш ниятидаман, – дейди Паркентнинг "Ҳақиқат" жамоаси аъзоси Холисхон Учқунова. – Шундай бўлса-да, бу танловда доим фаол иштирок этишга интиламан. Ахир, айтишади-ку, қонунни билган қоқилмайди, деб. Қолаверса, ҳуқуқий билимларимни ошириш келажакда сиёсий шарҳловчи бўлиб етишишимда ҳам асқотади.

Давоми 2-бетда

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва "Kongress servis" компанияси томонидан ташкил этилган "Green Ecology Technologies Central Asia – GETCA – 2018" ихтисослаштирилган экологик тоза технологиялар кўргазмаси иш бошлади.*

Кўргазма






"Атроф-муҳитни ҳимоялаш ва барқарор ривожланиш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш" мавзуидаги Марказий Осиё халқаро экология форуми доирасида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Германия, Италия, Хитой, Франция, Жанубий Корея, Арманистон, Венгрия, Чехия, Латвия ва Швейцария каби давлатлардан 38 та компания атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, тикланадиган манбалардан энергия олиш бўйича замонавий ва инновацион технологиялари ҳамда маҳсулотларини намойиш қилди.

Давоми 2-бетда

## ХОНАДОННИНГ ТУГАНМАС ХАЗИНАСИ

*Бугун одамларнинг ўз томорқасига бўлган муносабати ўзгариб, "оила даромади" деган тушунча пайдо бўлди. Шундан бўлса керак, кафтдеккина томорқадан унумли фойдаланаётган хонадон соҳибларини кўрганингизда ҳавасингиз келади.*

Томорқа – даромад манбаи

Биз яқинда, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Юқори Овул" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашдик. Соддадил ва оққўнгил одамларнинг айтишича, томорқадан самарали фойдаланиш сирларини Саидали ота Аҳмедовдан ўрганишибди. Деҳқончиликда катта тажрибага эга отахонни маҳалладошлари, таниган-билганлар деҳқон бобо, деб томорқа ишларида маслаҳат, йўл-йўриқ сўраб, келиб туришар экан.

Қўни-қўшнилар билан бу инсон хонадонига кириб бордик. Мўъжазгина томорқада экин-тикин ишлари билан банд бўлган отахонни кўриб, "Иш билганга – минг танга" деганлари мана шу бўлса керак, деган фикр хаёлимиздан ўтди. 6 сотих жойда бодринг, помидор, қизил ловия, турли хилдаги кўкатлар яшнаб турибди. Томорқанинг бир четидаги 3 сотихли иссиқхонада лимон етиштирилмоқда. Айтганча, отахоннинг бодринглари баракали ҳосил бера бошлабди. Очиқ чеҳра, ширинсўз, дилкаш бободеҳқон бизга такрорий экинлар ва унинг ҳосилидан оладиган даромади ҳақида гапириб берди.

– Билган одамга томорқа хазинанинг ўзи, – дейди бобо бодрингдан икки-уч донасини узатаркан. – Шукрки, фарзандларимнинг ҳам деҳқончиликка уқуви баланд. Оилада ким бўш қолса дарров томорқани айланиб, экинларни кўздан кечиради. Деҳқончилик илмини сўраб келганларга билганларимни эринмай ўргатаман. Ҳовлингни бўш қўйма, ундан унумли фойдалан, дейман. Уларнинг иштиёқини ошириш учун кўрган даромадларимни ҳам ҳисоблаб бераман. Ҳамқишлоқларимнинг рўзғорига барака кирса, бундан фақат хурсанд бўламан.



Ҳа, Саидали отанинг томорқаси ҳавас қилса арзигулик. Бободеҳқондан иборат олган маҳалладошлар кафтдек ердан самарали фойдаланишни ўрганиб, ўз оиласини фаровон қилмоқда. Бозорни эса арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминламоқда. Ана шундай меҳнаткаш, фидойи инсонлар бор экан, дастурхонларимиз тўкин бўлиб бораверади.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

2018 йилнинг иккинчи ярми учун
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига
обуна
давом этмоқда!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# 2018/2019 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

7. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бакалавриат таълим йуналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига қабул қилиш параметрларига ўзгартиришлар киритиш;

янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалавриат ҳамда магистратуранинг қабул квоталарига ўзгартиришлар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг, шу жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган туманларининг мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжларини қондириш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш.

8. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда уч ҳафта муддатда тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

"Ўзстандарт" агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ой муддатда янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари юзасидан Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

икки ой муддатда янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ҳамда дастурлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда икки ой муддатда республика олий таълим муассасалари рейтингини ҳар йили аниқлаш миллий тизимини рейтингнинг устувор кўрсаткичларини белгилашда кадрларга асосий буюртмачиларнинг – вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг талабларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда кадрларнинг асосий буюртмачилари билан биргаликда олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларини 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказсин ва натижалари бўйича ушбу бакалавриат таълим йўналиши бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мутахассислик кафедрасининг фаолиятини тугатиш ҳақида таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018/2019 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 июлгача ўқитишга сарфланадиган жами харажатлардан келиб чиққан ҳолда қиймат миқдорини аниқлашни назарда тутадиган, олий таълим муассасаларида талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини аниқлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки бўлимларига қабул квоталари юзасидан, салоҳиятли истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда, Давлат комиссиясига эҳтиёж юқори бўлган бакалавриат таълим йўналишлари кесимида асосланган таклифлар киритсин.

Белгилансинки:

олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим бўлимларига умумий қабул квота республика олий таълим муассасалари бакалавриатига 2018/2019 ўқув йили учун тасдиқланган умумий қабул квотасининг 30 фоизигача бўлган миқдорида белгиланади;

олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим бўлимларида ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим бўлимларида ўқитиш қиймати тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича кундузги ўқитиш шакли қийматидан кам бўлмаган миқдорида белгиланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ҳар йили янги ўқув йили бошлангунига қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ҳамда дастурларини меҳнат бозори конъюнктурасининг тез ўзгарувчан шароитида юқори малакали кадрларнинг амалий тайёргарлигини таъминлайдиган замонавий фанлар киритган, ишлаб чиқариш ва реал иқтисодиёт тармоқларида инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари таълим жараёнига хорижий етакчи олимлар, мутахассис-амалиётчилар ва юқори малакали ўқитувчиларни тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича дарс машғулотларини ўтказишга жалб этиш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача:

кадрлар буюртмачилари рўйхати ва 2018/2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилинган ва ўзи томонидан тақсимланган талабалар сонини;

2018/2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларнинг амалиёт ўташ объектлари рўйхатини Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳайъатлари амалиётига:

олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат фаолияти давомида уларнинг билим ва кўникмаларида кузатилган камчиликларни иш берувчилар иштирокида ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилиш;

ҳар йил якуни бўйича, лекин кейинги йилнинг феврать ойидан кечиктирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва туризм масалалари комплексига тайёрланаётган кадрлар малакасидаги камчиликлар тўғрисидаги умумлаштирилган таҳлилий ахборот, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича тавсия ва таклифлар тақдим этиш киритилсин.

Ушбу банд ижросининг назорати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли қарорига мувофиқ олий таълим муассасалари бириктирилган Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 июнь

Бошланиши 1-бетда




*Ўлкамизга болажонлар орзиқиб кутган ёз фасли ажиб тухфалари билан кириб келди. Ўқув йили тугаши билан устоз-мураббийлар бошчилигида уюштирилаётган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар болалар ёзининг янада мароқли ўтишидан дарак бермоқда.*

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ДУНЁНИ



Чиноз тумани ҳокимлиги, прокуратура, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ёзнинг илк кунларида ўтказилган тадбир "Болаларга беринг, дунёни" деб аталди. Унда туман мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари шеър, қўшиқ ва турли халқларнинг шўх рақсларини ижро этишди.

Уларнинг шодон чеҳраси, чақноқ кўзларидаги завқ-шавқ, "Тулпор", "Мендурман ўшал", "Мустаҳзод" қўшиқларининг оҳангидаги болаларча соддалик, беғуборлик, иштиёқ томошабинларни гўё сеҳрлаб қўйди. Рус, қозоқ, қирғиз, турк халқ рақсларида самимий дўстлик ришталари жилоланди.

Тадбир якунида ҳар бир иштирокчига қизиқарли китоблар, имконияти чекланган болажонларга совғалар тақдим этилди.

**С. ЭШМАТОВА**
*Д. АҲМЕДОВ олган сурат*

## ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ БОҒЧА

*Янгийўл туманидаги "Тинчлик" маҳалласи ҳудудида тадбиркор Раҳима Наимова нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйди. Замонавий талабларга мос келадиган мазкур муассаса болажонлар учун чинакам байрам совғаси бўлди.*

– Қишлоғимиз нисбатан чекка ҳудудда жойлашган, – дейди Раҳима Наимова. – Шу боис, яқин атрофда боғча йўқлиги ёш оилаларга бир оз қийинчилик туғдираётганди. Боғчамизда 50 нафар болага 8 тарбиячи-мураббий таълим-тарбия беради. Бу ерда болажонларимизни мактабга тайёрлаш учун барча шароитлар яратишга катта эътибор қаратдик. Айниқса, инглиз тили, рус тили, шахмат, рақс каби тўгаракларни юқори савияда олиб борамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур "Болажон-Полвонжон" боғчаси Корея технологияси асосида ишлаб чиқарилган "ақлли ўйинчоқ"лар ҳамда сифатли мебеллар билан таъминланган.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## ЭРТАМИЗ УМИДЛАРИ

*Бўка туманида "Сен ҳеч кимдан кам эмассан, болажон!" шиори остида ташкил этилган меҳр-мурувват тадбирида имконияти чекланган 100 дан зиёд болалар иштирок этди.*

Эътиборлиси, шу куни камхарж оилаларнинг 7 нафар фарзандига ҳомийлар ҳисобидан суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Мазкур мурувват тадбирини ташкил этишда бир қатор тадбиркорларнинг, шунингдек, "Ўзмевашаробхолдинг" компанияси, "New hope" хайрия ташкилоти, "Тошкент манифактура", "Кремберг", "Мастер Глобал плюс" сингари корхона ва ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди.

– Болажонларга меҳр-мурувват улашган фидойи инсонларга раҳмат, – дейди туман Ногиронлар жамияти раиси Умида Юлдашева. – Улар туфайли болажонларнинг қалби қувонч ва завққа тўлди. Ўзларини бошқалардан кам эмасликларини ҳис қилдилар, десам тўғри бўлади. Ана шундай меҳр-мурувват тадбирлари туманимизда бундан кейин ҳам изчил давом эттирилишига ишонамиз.

Мазкур тадбирда имконияти чекланган болаларга совға-саломлар улашилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## 2018 йил 10 июнь куни 27-"Келес" сайлов округида такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилояти сайлов комиссияси Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 27-"Келес" округ сайлов комиссиясининг сайлов баённомасига асосан, мазкур округда депутатликка номзодлар овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олмаганлиги сабабли округ сайлов комиссияси томонидан "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига асосан, 2018 йил 10 июнь куни такрорий овоз бериш ўтказилсин.

**Вилоят сайлов комиссияси раиси**
**Ғ. МУҲАМЕДОВ**

Нурафшон шаҳри,
2018 йил 28 май

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ



Таъкидлаш жоизки, экология – жаҳон миқёсида бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам табиат муҳофазаси соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу жараёнда маиший ва саноат чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш, атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймаслик, санитария меъёрларини бузмаслик, ҳудудлар озодалигини таъминлаш, табиий тикланувчи манбалар энергиясидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Кўргазмада иштирок этаётган "Toshrangmetzavod recycling" масъулияти чекланган жамияти ишдан чиққан маиший ва саноат электротехникалари утилизацияси билан шуғулланади. Гарчи электрон ускуналар ишдан чиққан бўлса-да, уларнинг таркибида қайта ишлатилиши мумкин бўлган жиҳозлар кўп. Бу корхонанинг вилоятимизда ҳам чиқиндиларни қабул қилувчи стационар ва мобиль пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Энергия тежовчи қурилма ва технологиялар мажмуини тақдим қилаётган фирмаларнинг маҳсулотлари кўргазмага келган меҳмонларнинг аксариятини ўзига жалб қилди. Чунки, йилда 300 кундан зиёд қуёш нур сочадиган юртимизда қуёш батареялари ва коллекторларидан фойдаланиш бугуннинг ва яқин келажакнинг энг долзарб масаласидир.

– Бундай йирик кўргазмада илк маротаба қатнашаяпмиз, – дейди венгриялик эксперт Тамаш Мадер. – Биз ичимлик сувини тозалаш ва қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни таклиф қиламиз. Маҳсулотларимиз аҳоли пунктларида сув таъминотини лойиҳалаштириш ва тизимни барпо этишда тежамкорлигини кўрсатган. Бу кўргазма орқали ўзимизга янги ҳамкорлар топиш, маҳсулотларимиз савдосини кенгайтириш ниятидамиз.

Ушбу кўргазма мамлакатимиз табиатини асраш, атроф-муҳит озодалигини таъминлаш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, соҳага замонавий технологиялар ва инновацион ғояларни татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат*

Қишлоқ мулкдорлари

*Оҳангаронлик Саидрасул Ўрунов вилоятимизда кўзга кўринган фермерлардан. У кўп йиллардан буён чорвачилик билан шуғулланиб келмоқда.*

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Бугунги кунда ўзи бошчилик қилаётган "Дўстлик йўли боғи эрам" фермер хўжалигида қорамоллар сони 332 бошга етди. Жамоада 17 киши меҳнат қилади. Бу ерда ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида илғор инновацион технологиялардан фойдаланилади. Сўнгги русумдаги замонавий сут соғиш ускуналари ёрдамида 7 дақиқада 24 бош қорамолдан 2 минг литргача сут соғиб олиш мумкин.

– Фаолиятимизни 2013 йилда бошлаган эдик, – дейди Саидрасул Ўрунов. – Германия ва Голландиядан наслли қорамоллар олиб келгандик. Чорвани иқлимимизга мослаштирдик.

Мана уч йилдирки, ҳатто қўшни туманлардаги аҳоли ва фермер хўжаликлари зотли қорамолни биздан олаяпти.

Фермернинг келгусидаги режалари катта. У ўз маблағи ҳисобидан замонавий ускуналар билан жиҳозланган сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очиб, 15 та янги иш жойи яратмоқчи.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА**

## ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ



Иштирокчилар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Биринчи шартга кўра, улар ўзлари таҳсил олаётган таълим муассасасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида яратилган шароитлар, илмий ижод ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятлар, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердилар. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг ёшларга тааллуқли нормаларини такомиллаштиришга оид таклифларини кўргазмали тарзда намойиш этдилар.

Танловнинг иккинчи шарти эса, "Ҳуқуқий билимлар савиясини аниқлаш", деб номланган бўлиб, унда жамоа сардорларининг билимлари синовдан ўтказилди. "Видеоролик тақдимоти" номли шарт кўпчиликнинг эътиборини тортди. Сабаби, бунда ўқувчилар ҳуқуқий соҳада сўнгги уч йилда рўй бераётган ўзгаришларни тақдим этдилар. Сўнгги шарт – "Уй вазифаси"да ижтимоий-ҳуқуқий соҳада учрайдиган муаммолар саҳнага олиб чиқилди.

Якуний натижаларга кўра, Паркент туманининг тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Олмалиқнинг ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис, учинчи ўрин эса Қуйи Чирчиқнинг қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бошланиши 1-бетда

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

# СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

**Эндиликда бу тушунча илмий хулосадан ҳаётий ҳақиқатта айланди**

Бошланиши 1-бетда

Сессияда суғориш ишларини ташкил этишдаги мавжуд муаммолар муҳокама этилди ва уларни бартараф қилиш йўл-йўриқлари белгиланди. Жумладан, фермер хўжаликлари томонидан суғориш ишларига етарли миқдорда сувчилар жалб этилмаяпти. Уларнинг иш ҳақларини ўз вақтида тўлашда муаммолар мавжуд. Сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, навбат билан суғоришга риоя қилмаслик, мансабдор шахсларнинг сув тақсимотига аралашуви, суғориш тармоқларидан ноқонуний равишда сув олиш ҳолатлари мавжуд. Тунги суғориш ишларига риоя этмаслик, дала майдонларини суғоришга ўз вақтида тайёрламаслик, шарбат усулида суғоришга эътибор бермаслик, ўқариқларни ҳаддан ташқари узун олинаётганлиги, суғориш тармоқларини ўз вақтида тозаланмаётганлиги ҳам умумий ишга жиддий ҳалақит бермоқда.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Масалани назорат қилиш ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят ва туманлар кесимида махсус штаблар ташкил этилди. Уларнинг иш вақти ва режалари тасдиқланди.

Қайд этилган камчилик ва муаммолардан қатъи назар, пойтахт вилоятининг сув билан таъминланишида бошқа ҳудудларга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Бу вилоят деҳқонлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни кескин ошириш, такрорий экинлар экишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бунда кам сув талаб қиладиган экинларни танлаш ва жойлаштириш, айниқса, мақсадга мувофиқдир. Такрорий экинлардан олинадиган ҳосилни ўтган йилга нисбатан 1,5 бараварга ошириш режалари ишлаб чиқилди.

Экин майдонларининг намлигини таъминлаш мақсадида бошоқли дон экинлари ўрилганидан кейин уч кун муддат ичида ерларни шудгорлаш ва экишга тайёрлашга келишиб олинди. Бу усул билан ҳам муайян миқдорда сув тежамкорлигига эришиш мумкин.

Бугун вилоятда 1880 гектар боғ ва сабзавот майдонларида томчилатиб суғориш усуллари жорий этилган. Бу усулни янада кенгроқ жорий этиш давр талабидир. Шунингдек, деҳқон хўжалиги ерлари ва томорқа майдонларини суғоришда ер ости сувларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада Оққўрғон тумани томорқа ер эгаларининг тажрибаси алоҳида эътироф этилди.

– Сессияда ўртага ташланган таклифлар, белгилаб берилган вазифалар бизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват қилади, – деди йиғилишда иштирок этган "Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Қурбонов. – Олдимизга қўйилган вазифаларни бекаму кўст бажариш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Вилоятда сув захиралари ва улардан фойдаланиш борасидаги мавжуд аҳвол, экин майдонлари, жумладан, ғўзанинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш борасида депутатлар ва мутасаддилар, жамоат ташкилотлари олдига янги вазифалар қўйилди.

Сессия кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган сессия ишида Олий Мажлис Сенати раиси Нигматилла Йўлдошев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Ўз мухбиримиз**





*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*

# ОДАМЛАР ЎЗГАРИШЛАРНИ СЕЗИШИ КЕРАК

*Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармасида ўтган вақт мобайнида агентлик томонидан амалга оширилган ишлар ва олдинда турган долзарб вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда бир қатор ташкилот ходимлари, маҳалла раислари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.*



Тадбирда таъкидланишича, жорий йилнинг беш ойи давомида, туман, шаҳар давлат хизматлари марказлари томонидан жами 9 минг 434 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олиниб, шундан 1 минг 879 таси қайта рўйхатдан ўтказилди. Жисмоний ва юридик шахсларга 63 турда жами 66 минг 446 та давлат хизмати кўрсатилди.

Бугунги кунга келиб, давлат хизматлари кўрсатишда ваколатли идоралар томонидан 372 та қонун бузилиши ҳолати аниқланган. Маълумотларга кўра, қоидабузарликларнинг аксарияти мактабгача таълим бошқармаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

– Агентлигимиз жамоаси "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади", деган ҳаётбахш тамойилга оғишмай амал қилишга бор куч ва имкониятларини йўналтирган, – дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев. – Мақсад – яратилган қулайликни одамлар сезсин, баҳраманд бўлсин.

## Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади

Масалан, фарзандингизни боғчага жойлаштирмоқчисиз. Авваллари, болангизни ҳужжатини олиб, туман ёки шаҳар мактабгача таълим бўлими эшигини қоқардингиз. У ердан рухсат тегсагина, боғчага бориларди. Шунча югур-югурдан кейин муассасада бўш жой бўлса хўп, бўлмаса, узоқ вақт навбат кутишга тўғри келарди. Эндиликда ҳужжат кўтариб, сарсон бўлиб юришга ҳожат йўқ. Масала марказнинг ўзида ҳал бўлади-қўяди.

Бироқ, шуниси ҳам борки, ҳозирча янги ташкилот ҳақида фуқаролар етарлича тушунчага эга эмас. Шу боис, агентлик тўғрисида жойларда тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Бу борада, хусусан, Юқори Чирчиқ, Паркент ҳамда Ўрта Чирчиқ туманларининг чекка ҳудудларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида марказ фаолияти ва унда кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди.

Шу кунларда Чирчиқ шаҳрида вилоятда тажриба тариқасида 100 тагача давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

# ЁШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

*Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи кўмагида тадбиркорликка қадам қўйиб, ҳам ўз оиласига, ҳам жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёшлар сафи ортиб бормоқда.*

## Давлат сиёсати амалда

Буни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўзида бевосита жойларда ёшларнинг 352 нафари ўз тадбиркорлигини бошлади, бундан ташқари, шахсий бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган 192 нафар коллеж битирувчисининг мурожаати атрофлича ўрганилиб, зарур маслаҳатлар берилди ва моддий кўмаклашиш бўйича чоралар белгиланди.

Бу ҳаммаси эмас, ёшлар ташкилоти томонидан вилоятимизда фаолият юритаётган тижорат банклари билан ҳамкорликда ташаббускорларнинг 79 нафарига 2 миллиард 259 миллион сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратишга кўмаклашилди, яна 10 нафар ёшга тадбиркорлик субъектлари ташкил этишлари учун ер ва бино ажратилди, 7 нафари ўз йўналиши бўйича зарур бўлган моддий-техник воситалар билан таъминланди.

– Эртамиз давомчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида ҳудудларда улар учун турли лойиҳалар, семинарлар ўтказилмоқда, – дейди мазкур ташкилот вилоят кенгашининг ёшлар тадбиркорлиги ва туризмни ривожлантириш бўлими мудири Рустам Абдуназаров. – Бизни, айниқса, уларнинг бир қатор лойиҳаларда фаоллик кўрсатаётганлари қувонтирмоқда. Хусусан, биргина жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида тадбиркорлик масалалари юзасидан мурожаат қилган ёшлар сони 936 тага етди. Шунингдек, уларнинг 1 минг 100 нафари кенгашимизнинг шаҳар ва туман бўлимлари қошидаги марказларда тадбиркорлик асослари бўйича ўз билим ва кўникмаларини оширишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Реклама ва эълонлар

**"Ўзагросуғурта" АЖ Тошкент вилояти филиали "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" суғурта тури бўйича 2008-2013 йиллар давомида электрон дастурда мавжуд бўлган суғурта полисларини ҳолати ноаниқлиги ва қайта тиклаш имконияти бўлмаганлиги (йўқолганлиги) сабабли, қуйидаги суғурта полислари (полис рақамлари кўрсатилган ҳолда) бўйича суғурта жавобгарлиги олиб борилмаслигини эълон қилади:**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 0061727 | 69 | 0166323 | 137 | 0207107 | 205 | 0209163 | 273 | 0755437 | 341 | 0787999 | 409 | 0800790 | 477 | 1612946 | 545 | 1677671 | 613 | 1740106 |
| 2 | 0061773 | 70 | 0166353 | 138 | 0207141 | 206 | 0209164 | 274 | 0755438 | 342 | 0789444 | 410 | 0800791 | 478 | 1612950 | 546 | 1677672 | 614 | 1740107 |
| 3 | 0061802 | 71 | 0166371 | 139 | 0207143 | 207 | 0209165 | 275 | 0755439 | 343 | 0793618 | 411 | 0800792 | 479 | 1612975 | 547 | 1677673 | 615 | 1740108 |
| 4 | 0061803 | 72 | 0166382 | 140 | 0207145 | 208 | 0209166 | 276 | 0755469 | 344 | 0793644 | 412 | 0800793 | 480 | 1612988 | 548 | 1677674 | 616 | 1740109 |
| 5 | 0061804 | 73 | 0166388 | 141 | 0207146 | 209 | 0209173 | 277 | 0755490 | 345 | 0793654 | 413 | 0800794 | 481 | 1612990 | 549 | 1677675 | 617 | 1740110 |
| 6 | 0061805 | 74 | 0166409 | 142 | 0207169 | 210 | 0209188 | 278 | 0755497 | 346 | 0793796 | 414 | 0800795 | 482 | 1615717 | 550 | 1677676 | 618 | 1740111 |
| 7 | 0061806 | 75 | 0166432 | 143 | 0207204 | 211 | 0209189 | 279 | 0755498 | 347 | 0793878 | 415 | 0800796 | 483 | 1615765 | 551 | 1677677 | 619 | 1740112 |
| 8 | 0061807 | 76 | 0166441 | 144 | 0207217 | 212 | 0209242 | 280 | 0766646 | 348 | 0793930 | 416 | 0800797 | 484 | 1670019 | 552 | 1677678 | 620 | 1740113 |
| 9 | 0061808 | 77 | 0166453 | 145 | 0207222 | 213 | 0209268 | 281 | 0766812 | 349 | 0795129 | 417 | 0800798 | 485 | 1670047 | 553 | 1677679 | 621 | 1740114 |
| 10 | 0061822 | 78 | 0166491 | 146 | 0207256 | 214 | 0209289 | 282 | 0766912 | 350 | 0795147 | 418 | 0800799 | 486 | 1670746 | 554 | 1677680 | 622 | 1740115 |
| 11 | 0061827 | 79 | 0203508 | 147 | 0207269 | 215 | 0209317 | 283 | 0766915 | 351 | 0795252 | 419 | 0800800 | 487 | 1670747 | 555 | 1677681 | 623 | 1740116 |
| 12 | 0061858 | 80 | 0203528 | 148 | 0207277 | 216 | 0209345 | 284 | 0766918 | 352 | 0795275 | 420 | 0800801 | 488 | 1670749 | 556 | 1734360 | 624 | 1740117 |
| 13 | 0061862 | 81 | 0203532 | 149 | 0207291 | 217 | 0209378 | 285 | 0766981 | 353 | 0795283 | 421 | 0800802 | 489 | 1675506 | 557 | 1734361 | 625 | 1740118 |
| 14 | 0061867 | 82 | 0203582 | 150 | 0207310 | 218 | 0209385 | 286 | 0773135 | 354 | 0795284 | 422 | 0800803 | 490 | 1675509 | 558 | 1734362 | 626 | 1740119 |
| 15 | 0061869 | 83 | 0203602 | 151 | 0207340 | 219 | 0209421 | 287 | 0773136 | 355 | 0795285 | 423 | 0800804 | 491 | 1675511 | 559 | 1734363 | 627 | 1740120 |
| 16 | 0062532 | 84 | 0203650 | 152 | 0207341 | 220 | 0209449 | 288 | 0773271 | 356 | 0795286 | 424 | 0800805 | 492 | 1675512 | 560 | 1734364 | 628 | 1740121 |
| 17 | 0062602 | 85 | 0203685 | 153 | 0207344 | 221 | 0209455 | 289 | 0773272 | 357 | 0795287 | 425 | 0800806 | 493 | 1675513 | 561 | 1734365 | 629 | 1740187 |
| 18 | 0062603 | 86 | 0203686 | 154 | 0207345 | 222 | 0209463 | 290 | 0773301 | 358 | 0795288 | 426 | 0800807 | 494 | 1675514 | 562 | 1734523 | 630 | 1779901 |
| 19 | 0062641 | 87 | 0203687 | 155 | 0207372 | 223 | 0502902 | 291 | 0773322 | 359 | 0795289 | 427 | 0800808 | 495 | 1675515 | 563 | 1734528 | 631 | 1779902 |
| 20 | 0062642 | 88 | 0203688 | 156 | 0207373 | 224 | 0502903 | 292 | 0773403 | 360 | 0795290 | 428 | 0800809 | 496 | 1675516 | 564 | 1734529 | 632 | 1779903 |
| 21 | 0062685 | 89 | 0203712 | 157 | 0207376 | 225 | 0502904 | 293 | 0773404 | 361 | 0795291 | 429 | 0800810 | 497 | 1675518 | 565 | 1734530 | 633 | 1779904 |
| 22 | 0062704 | 90 | 0203713 | 158 | 0207383 | 226 | 0502905 | 294 | 0773405 | 362 | 0795292 | 430 | 0800811 | 498 | 1675528 | 566 | 1739338 | 634 | 1779905 |
| 23 | 0062764 | 91 | 0203736 | 159 | 0207387 | 227 | 0502906 | 295 | 0773406 | 363 | 0795293 | 431 | 0800812 | 499 | 1675529 | 567 | 1739351 | 635 | 1779906 |
| 24 | 0062765 | 92 | 0203743 | 160 | 0207425 | 228 | 0502907 | 296 | 0773419 | 364 | 0795294 | 432 | 0800813 | 500 | 1675537 | 568 | 1739353 | 636 | 1779907 |
| 25 | 0062766 | 93 | 0203763 | 161 | 0207429 | 229 | 0502984 | 297 | 0773420 | 365 | 0795295 | 433 | 0800814 | 501 | 1675542 | 569 | 1739355 | 637 | 1779908 |
| 26 | 0062798 | 94 | 0203837 | 162 | 0207432 | 230 | 0502986 | 298 | 0773421 | 366 | 0795296 | 434 | 0800815 | 502 | 1675549 | 570 | 1739358 | 638 | 1779909 |
| 27 | 0062810 | 95 | 0203889 | 163 | 0207442 | 231 | 0543307 | 299 | 0773456 | 367 | 0795297 | 435 | 0800816 | 503 | 1675550 | 571 | 1739361 | 639 | 1779910 |
| 28 | 0062880 | 96 | 0203911 | 164 | 0207443 | 232 | 0544129 | 300 | 0773464 | 368 | 0795298 | 436 | 0800817 | 504 | 1675554 | 572 | 1739392 | 640 | 1779911 |
| 29 | 0062995 | 97 | 0203945 | 165 | 0207450 | 233 | 0544145 | 301 | 0773484 | 369 | 0795299 | 437 | 0800818 | 505 | 1675585 | 573 | 1739446 | 641 | 1779912 |
| 30 | 0063000 | 98 | 0203971 | 166 | 0207459 | 234 | 0544147 | 302 | 0787639 | 370 | 0795302 | 438 | 0800819 | 506 | 1675588 | 574 | 1740005 | 642 | 1779913 |
| 31 | 0166001 | 99 | 0203974 | 167 | 0207460 | 235 | 0544269 | 303 | 0787665 | 371 | 0795371 | 439 | 0800820 | 507 | 1675589 | 575 | 1740010 | 643 | 1779914 |
| 32 | 0166005 | 100 | 0203984 | 168 | 0207462 | 236 | 0544315 | 304 | 0787667 | 372 | 0800540 | 440 | 0800838 | 508 | 1675590 | 576 | 1740017 | 644 | 1779915 |
| 33 | 0166009 | 101 | 0203986 | 169 | 0207463 | 237 | 0544334 | 305 | 0787669 | 373 | 0800608 | 441 | 0800842 | 509 | 1675592 | 577 | 1740033 | 645 | 1779916 |
| 34 | 0166014 | 102 | 0203999 | 170 | 0207468 | 238 | 0544342 | 306 | 0787847 | 374 | 0800609 | 442 | 0800980 | 510 | 1675599 | 578 | 1740039 | 646 | 1779917 |
| 35 | 0166015 | 103 | 0204000 | 171 | 0207471 | 239 | 0544528 | 307 | 0787859 | 375 | 0800610 | 443 | 0804384 | 511 | 1675600 | 579 | 1740040 | 647 | 1779918 |
| 36 | 0166022 | 104 | 0206514 | 172 | 0207475 | 240 | 0544551 | 308 | 0787887 | 376 | 0800661 | 444 | 0804801 | 512 | 1677423 | 580 | 1740041 | 648 | 1779919 |
| 37 | 0166023 | 105 | 0206526 | 173 | 0207477 | 241 | 0544961 | 309 | 0787888 | 377 | 0800662 | 445 | 0804810 | 513 | 1677444 | 581 | 1740054 | 649 | 1779920 |
| 38 | 0166048 | 106 | 0206560 | 174 | 0207478 | 242 | 0544968 | 310 | 0787889 | 378 | 0800663 | 446 | 0804838 | 514 | 1677445 | 582 | 1740061 | 650 | 1779921 |
| 39 | 0166057 | 107 | 0206563 | 175 | 0207485 | 243 | 0544969 | 311 | 0787890 | 379 | 0800664 | 447 | 0804842 | 515 | 1677446 | 583 | 1740062 | 651 | 1779922 |
| 40 | 0166064 | 108 | 0206566 | 176 | 0207487 | 244 | 0545287 | 312 | 0787891 | 380 | 0800665 | 448 | 0804944 | 516 | 1677447 | 584 | 1740063 | 652 | 1779923 |
| 41 | 0166065 | 109 | 0206571 | 177 | 0207492 | 245 | 0545302 | 313 | 0787892 | 381 | 0800666 | 449 | 0807308 | 517 | 1677448 | 585 | 1740065 | 653 | 1779924 |
| 42 | 0166066 | 110 | 0206581 | 178 | 0207500 | 246 | 0545303 | 314 | 0787893 | 382 | 0800667 | 450 | 0807321 | 518 | 1677449 | 586 | 1740066 | 654 | 1779925 |
| 43 | 0166077 | 111 | 0206604 | 179 | 0209066 | 247 | 0545304 | 315 | 0787894 | 383 | 0800668 | 451 | 0807368 | 519 | 1677450 | 587 | 1740067 | 655 | 1779926 |
| 44 | 0166097 | 112 | 0206620 | 180 | 0209090 | 248 | 0545305 | 316 | 0787895 | 384 | 0800669 | 452 | 1370886 | 520 | 1677476 | 588 | 1740068 | 656 | 1779927 |
| 45 | 0166112 | 113 | 0206635 | 181 | 0209096 | 249 | 0545307 | 317 | 0787896 | 385 | 0800670 | 453 | 1370897 | 521 | 1677601 | 589 | 1740069 | 657 | 1779928 |
| 46 | 0166122 | 114 | 0206646 | 182 | 0209133 | 250 | 0545704 | 318 | 0787897 | 386 | 0800671 | 454 | 1370901 | 522 | 1677602 | 590 | 1740070 | 658 | 1779929 |
| 47 | 0166123 | 115 | 0206665 | 183 | 0209134 | 251 | 0545725 | 319 | 0787898 | 387 | 0800672 | 455 | 1372423 | 523 | 1677603 | 591 | 1740071 | 659 | 1779930 |
| 48 | 0166126 | 116 | 0206676 | 184 | 0209135 | 252 | 0545745 | 320 | 0787899 | 388 | 0800673 | 456 | 1372479 | 524 | 1677604 | 592 | 1740073 | 660 | 1779931 |
| 49 | 0166154 | 117 | 0206677 | 185 | 0209136 | 253 | 0546980 | 321 | 0787900 | 389 | 0800674 | 457 | 1449320 | 525 | 1677605 | 593 | 1740074 | 661 | 1779932 |
| 50 | 0166158 | 118 | 0206678 | 186 | 0209137 | 254 | 0547060 | 322 | 0787901 | 390 | 0800675 | 458 | 1449321 | 526 | 1677606 | 594 | 1740075 | 662 | 1779933 |
| 51 | 0166172 | 119 | 0206686 | 187 | 0209138 | 255 | 0547071 | 323 | 0787902 | 391 | 0800676 | 459 | 1449322 | 527 | 1677607 | 595 | 1740076 | 663 | 1779934 |
| 52 | 0166174 | 120 | 0206691 | 188 | 0209139 | 256 | 0547076 | 324 | 0787903 | 392 | 0800677 | 460 | 1449323 | 528 | 1677608 | 596 | 1740077 | 664 | 1779935 |
| 53 | 0166177 | 121 | 0206699 | 189 | 0209140 | 257 | 0547079 | 325 | 0787904 | 393 | 0800678 | 461 | 1449327 | 529 | 1677609 | 597 | 1740078 | 665 | 1779936 |
| 54 | 0166198 | 122 | 0206700 | 190 | 0209141 | 258 | 0547083 | 326 | 0787905 | 394 | 0800679 | 462 | 1449328 | 530 | 1677610 | 598 | 1740079 | 666 | 1779937 |
| 55 | 0166202 | 123 | 0206702 | 191 | 0209142 | 259 | 0547094 | 327 | 0787906 | 395 | 0800680 | 463 | 1449472 | 531 | 1677611 | 599 | 1740080 | 667 | 1779938 |
| 56 | 0166215 | 124 | 0206736 | 192 | 0209143 | 260 | 0547098 | 328 | 0787907 | 396 | 0800697 | 464 | 1503581 | 532 | 1677612 | 600 | 1740081 | 668 | 1779939 |
| 57 | 0166242 | 125 | 0206741 | 193 | 0209144 | 261 | 0547099 | 329 | 0787908 | 397 | 0800723 | 465 | 1503592 | 533 | 1677613 | 601 | 1740082 | 669 | 1779940 |
| 58 | 0166246 | 126 | 0206742 | 194 | 0209145 | 262 | 0547181 | 330 | 0787909 | 398 | 0800757 | 466 | 1505202 | 534 | 1677614 | 602 | 1740083 | 670 | 1779941 |
| 59 | 0166249 | 127 | 0206743 | 195 | 0209146 | 263 | 0547199 | 331 | 0787910 | 399 | 0800764 | 467 | 1505245 | 535 | 1677615 | 603 | 1740084 | 671 | 1779942 |
| 60 | 0166250 | 128 | 0206744 | 196 | 0209147 | 264 | 0547207 | 332 | 0787911 | 400 | 0800781 | 468 | 1505249 | 536 | 1677616 | 604 | 1740092 | 672 | 1779943 |
| 61 | 0166251 | 129 | 0206750 | 197 | 0209148 | 265 | 0547908 | 333 | 0787912 | 401 | 0800782 | 469 | 1505250 | 537 | 1677617 | 605 | 1740093 | 673 | 1779944 |
| 62 | 0166260 | 130 | 0206783 | 198 | 0209149 | 266 | 0755250 | 334 | 0787913 | 402 | 0800783 | 470 | 1509823 | 538 | 1677618 | 606 | 1740094 | 674 | 1779945 |
| 63 | 0166264 | 131 | 0206824 | 199 | 0209150 | 267 | 0755413 | 335 | 0787914 | 403 | 0800784 | 471 | 1509834 | 539 | 1677619 | 607 | 1740100 | 675 | 1779946 |
| 64 | 0166270 | 132 | 0206835 | 200 | 0209158 | 268 | 0755431 | 336 | 0787915 | 404 | 0800785 | 472 | 1509835 | 540 | 1677620 | 608 | 1740101 | 676 | 1779947 |
| 65 | 0166271 | 133 | 0206932 | 201 | 0209159 | 269 | 0755432 | 337 | 0787916 | 405 | 0800786 | 473 | 1509849 | 541 | 1677621 | 609 | 1740102 | 677 | 1779948 |
| 66 | 0166287 | 134 | 0206963 | 202 | 0209160 | 270 | 0755433 | 338 | 0787917 | 406 | 0800787 | 474 | 1509890 | 542 | 1677622 | 610 | 1740103 | 678 | 1779949 |
| 67 | 0166300 | 135 | 0206991 | 203 | 0209161 | 271 | 0755434 | 339 | 0787918 | 407 | 0800788 | 475 | 1509894 | 543 | 1677623 | 611 | 1740104 | 679 | 1779950 |
| 68 | 0166306 | 136 | 0207089 | 204 | 0209162 | 272 | 0755436 | 340 | 0787919 | 408 | 0800789 | 476 | 1509895 | 544 | 1677624 | 612 | 1740105 | 680 | 1780704 |

**"Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари ва асбоб-ускуналар такроран қўйилмоқда:

1. ГАЗ САЗ 450901 русумли, (ўзи ағдарувчи) , д/р. 10 626 ТАА бўлган, 1994 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 696 040 сўм;
2. Электронасосний агрегат, 2001 йилда и/ч. техник носоз , бошланғич баҳоси – 100 800 сўм;
3. Передвижной сварочний агрегат дизельный Дизел Д144 русумли, қуввати 39 кВт бўлган, 1989 йилда и/ч., техник соз, бошланғич баҳоси – 6 318 780 сўм;
4. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 1 573 865 сўм;
5. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 1 573 865 сўм;
6. Аппарат "БИОСОРБ" (демонтированный), 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 17 029 629 сўм;
7. Фильтр Пресс РОМ 25-IV-I (демонтированный), 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 2 782 206 сўм;
8. Шибер (демонтированный), 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 171 222 сўм;
9. Решетка дробилка (демонтированный), 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 534 304 сўм;
10. Опора решетка (демонтированный), 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 28 693 сўм;
11. Бак металлическая V-2м3, техник носоз, 1995 йилда и/ч., бошланғич баҳоси – 128 481 сўм;
12. Вентилятор ВЦ-14-46, 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 160 956 сўм;
13. Вентилятор ВЦ-14-46, 1995 йилда и/ч., техник носоз, бошланғич баҳоси – 160 956 сўм.

Аукцион савдолари 2018 йил 20 июнь соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2018 йил 18 июнь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари шу куни сотилмаса, такрорий савдолар 2018 йил 27 июнь, 4 июль кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш 2018 йил 27 июнь кунидаги савдолар учун 25 июнь соат 18.00 да, 2018 йил 4 июль кунидаги савдолар учун 2 июль соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ХАТБ "DAVR-BANK" Бош Амалиётлар Бошқармасидаги ҳисоб рақами: 22604000800571452003, МФО 00981, ИНН 200933850га тўлашлари шарт. Савдо ғолибига 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел.: 233-28-52.
Расмий сайт: www.rmm.uz.
Гувоҳнома № 001805.



*Рамазон ойининг фазилатларини санаб адоғига етиш имконсиз. Бу саодатли ойда Қуръон нозил бўлгани учун ер юзига Аллоҳ таолонинг раҳматлари ҳар қачонгидан кўпроқ ёғилади. Покланиш, меҳр-оқибат ва саховат ойида жуда кўп гуноҳлар мағфират қилиниб, амалларга эса бир неча карра зиёда савоб ёзилади. Ҳидоят ойи ҳаётимиздаги ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боис, ҳар йили қутлуғ ойни бир олам шодлигу қувонч билан кутиб оламиз. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарор улуғ айём шукуҳига баайни ҳамоҳанг бўлди.*

*Бу саодатли кунлар хосияти, шукронаси ҳақида вилоят бош имом-хатиби Хайрулла Турматов билан суҳбатлашдик.*

# РАМАЗОН — УЛУҒ ИМКОНИЯТЛАР ОЙИ

**– Домла, суҳбатимиз аввалида Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимиздаги тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

– Рамазон – ойларнинг султонидир. Мўмин-мусулмонларимиз уни ўзгача интиқлик билан кутишади. Сабаби, бу ой маънан покланадиган, силаи раҳм, меҳр-мурувват ва саховат эшиклари очиладиган табаррук мавсумдир. Рўзанинг инсон учун ҳамда ижтимоий ҳаётдаги тарбиявий аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг фойдалари бениҳоя кўпдир. Жумладан, рўза тутган кишининг тақвоси кучаяди. Тақводорлик деганда, Аллоҳдан қўрқиш ва бандадан ҳаё қилиш тушунилади.

Рўза инсондаги ҳавои нафсни синдиради. Шу билан рўзадорнинг иродаси кучаяди. Рўза сабрни ўргатади. Сабрли киши эса ҳаётнинг турли синовларига чидамли бўлади, борига шукр, йўғига сабр қилади.

Рўза рўзадорда раҳм-шафқат сифатини ҳам мустаҳкамлайди. Ўз ихтиёри ила оч қолиш баробарида дунё лаззатларидан бебаҳра бўлиб юрган бева-бечора, камбағалларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиб қолади. Доимо уларга яхшилик қилиб туриш кераклигини тушуниб етади. Нисобга етган молидан чиқарадиган закотни, эҳсонни ҳам оғринмайгина, сидқидилдан беради.

**– Бу ойда ёш болалар ўртасида "Ё, Рамазон" қўшиғининг айтилиши ҳақида турли қарама-қарши фикрлар ўртага ташланаяпти. Бу борада сиз қандай фикрдасиз?**

– Шубҳасиз, Рамазон ойини мадҳ этиб шеър ёзиш, ашула ва куй-қўшиқлар айтиш мақтовга лойиқдир. Чунончи, Пайғамбар алайҳиссалом муборак Ҳадиси шарифларида: "Ким Рамазон ойи ташрифи туфайли шодланса, Аллоҳ унинг жасадини дўзахларга ҳаром қилади", деб марҳамат қилганлар. Лекин, кўча-кўйда, айниқса, тун қоронғисида болаларнинг уйма-уй юриб, "Ё, Рамазон" айтишлари масаласи алоҳида мавзу. Бунда номаъқул жиҳатлар бор. Биринчидан, боланинг қалбида тама юзага келади. Қолаверса, вояга етмаган боланинг қаровсиз, бемаҳал юриши жоиз эмас.

**– Баъзан ифторлик дастурхонларини ёзишда билиб-билмай исрофгарчиликка йўл қўйилаётган ҳолатларга ҳам дуч келиб қоламиз. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг "Аъроф" сураси 31-оятда шундай марҳамат қилади: "Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки, У зот исроф қилувчиларни севмас." Исроф ҳаромдир, исрофга берилган банда Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлади. Ҳозирда ифторлик дастурхонларига аксарият ҳолларда бойлар, тўқлар келиши, соҳиби эҳсон шундай кишиларни зиёфатга чақириши учраб турибди. Шунингдек, дастурхонни турли нозу неъматлар билан тўлдириб, беш-олти хил таом тортиш ҳам айни исрофдир. Биз хоҳлардикки, ифторлик дастурхонлари исрофсиз бўлса, зиёфатга оч, фақир ва камбағаллар чақирилса, нур устига нур бўларди. Зеро, Зайд ибн Холиддан ривоят қилинган Ҳадисда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳу васаллам шундай марҳамат қилдилар: "Ким бир рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга ўша (рўзадор)нинг ажрича ажр берилади, лекин рўзадорнинг ажридан бирор нарса камаймайди" (Имом Термизий ривояти). Шу Ҳадиси шарифнинг мазмунига кўра, исрофгарчиликсиз йўқсилларни таомлантириб, қолган маблағни бир бечораҳол оилага эҳсон қилинса, унданда каттароқ савобга эга бўлади.

**– Рамазон ойида бутун мусулмон оламида савдогарлар фақат моддий эмас, маънавий фойда олишни кўзлаб, савоб ниятида озиқ-овқат маҳсулотларини сезиларли даражада арзонлаштиради ёки бепул тарқатади. Негадир бизда бунинг акси... Айниқса, бозорлардаги нарх-наво кескин ошиб кетади. Бунга қандай муносабат билдирган бўлар эдингиз?**

– Маълумки, айрим мусулмон мамлакатларида айтганингиздек, Рамазон ойи келиши билан савобда мусобақалашишга киришадилар, нархларни туширадилар. Юртимизда эса, юқорида сиз айтган ҳолатлар учраб турибди. Бунга халқимиз етмиш йил мустабид тузум даврини бошдан кечиргани сабаб, деб ўйлайман. Бу даврда миллий ва диний қадриятларимиз топталди. Китоб ўқишдан мутлақо йироқлашдик, илмдан узоқлашдик. Мана, энди Юртбошимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш ҳақида"ги Фармойиши сабабли биз яна китоблар оламига қайта бошладик. Уламоларимиз ҳамда марҳум устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг илмий мероcлари асосида билимга юзланмоқдамиз. Қуръони каримни ва Ҳадисларни мукаммал ўрганиш билан мазкур иллатлар ҳам барҳам топади, иншооллоҳ. Имом Бухорий бобомиз ривоят қилган Ҳадиси шарифга кўра, "Кимки бир мўминнинг оғирини енгил қилса, унинг бир ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг дунёю-охиратдаги ҳожатларини раво қилади", дейилган. Биз ана шу ҳақиқатни ҳаётимизга татбиқ қилсак улкан ютуқларга ва баракага эришамиз. Агар мусулмонларга, умуман, барчага озгина даромадни, нафсни деб машаққат туғдирадиган бўлсак, ўзимизнинг аҳволимиз ҳам мушкул бўлиб қолиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

**– Муборак ойни гўзал тарзда ўтказиш, ундан унумли фойдаланиб қолиш мақсадида ҳам руҳан, ҳам жисман қандай амалларни кўпроқ қилсак савоби улуғроқ бўлади?**

– Рамазон ойи энг фазилатли, улуғ имкониятлар ойидир. Бу ойда бир нафл ибодат бир фарзга тенг, бир фарз ибодат етмиш фарзга тенг. Бундан имкон борича фойдаланиш керак. Саховатимизни аямаслигимиз, айниқса, силаи раҳм, яъни ота-она, ака-ука ва қариндош-уруғларни зиёрат қилиш энг муҳим ибодатлардан саналади. Қадимда уламолар Рамазон ойи кириши билан Қуръон ўқиб, хатм қилишга тушардилар. Шундан маълумки, бу ойда кўпроқ Қуръон ўқиш керак. Бундан ташқари, оилавий китобхонлик қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Ифторлик яқин қолганда барча тилак ва дуолар бешак қабул бўлади. Ана шу онларда китоб ўқиш ва фарзандлар қалбига маънавият ҳикматларидан дурдоналар етказиш улкан савоб ва хайрли ишдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг гўзал ахлоқлари билан хулқланиш керак. Имкон қадар гуноҳлардан сақланиш лозим. Жумладан, ғийбат, бўҳтон, чақимчилик ва беҳуда гаплар каби иллатлардан тийилиш зарур. Зеро, бу каби гуноҳлар рўзанинг савобини кетказиб қўйиши мумкин.

Сўзимиз якунида халқимизга яна бир бор Рамазони карим муборак бўлишини, Аллоҳ таоло ибодатларини қабул айлаб, улкан савоблар бериб, юртимизни тинч ва осмонимизни мусаффо қилишини сўраб, дуолар қиламиз. Хонадонларимизни бу ойнинг шукуҳи ва файзи асло тарк этмасин.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Абдусалим МАҲМУДОВ суҳбатлашди**

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт



# СОҒЛОМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

*Қуйи Чирчиқ туманида хотин-қизлар ўртасида "Соғлом оила – жамият бойлиги" шиори остида велотур ўтказилди.*

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси вилоят бўлими томонидан қатор мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган "Соғлом оила – жамият бойлиги" шиори остидаги велотур ҳам хотин-қизлар, хусусан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, велоспортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида тинчлик, дўстлик, баҳамжиҳатлик ғояларини қарор топтиришга қаратилди.

"Ойдинобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Оққўрғон кўчаси бўйлаб жами 2,5 километрга ўтказилган веломарафонда 150 нафарга яқин хотин-қиз уч ёш тоифасига бўлинган ҳолда ўзаро беллашди.

18-30 ёшли хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда Наргиза Абдумажидова маррага биринчи келган бўлса, 45 ёшгача бўлган аёллар ўртасида Элеонора Норқулова ғолиб чиқди. Катта ёшдаги аёллар ўртасида Жанар Имомбердиева биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, мусобақада ўзини кўрсатган иштирокчилардан Юлдуз Рашидова "Ғалабага бўлган интилиши учун", Наргиза Тўраева "Энг фаол аёл пойгачи", Шаҳло Ҳайдарова "Энг ёш пойгачи", Дилбар Раҳматова "Энг маҳоратли пойгачи", Мухтабар Раҳимова "Энг ёши улуғ пойгачи" номинациялари бўйича ғолиб, деб топилди.



Веломарафон ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Мукаррам Нурматова ва вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*

# КУЧЛИЛАР ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ

*Волейбол бўйича эркаклар ўртасида XXVI Ўзбекистон миллий чемпионатининг якуний – тўртинчи тури ниҳоясига етди.*

Бу йилги мамлакат чемпионатида беш жамоа – "Ўзбектелеком" (Самарқанд), "Сўғдиёна" (Навоий), "Ориент" (Тошкент), "Ёшлик" (Фарғона), ОТМК (Олмалиқ) волейболчилари ғолиблик учун куч синашди.

Мавсумни муваффақиятли ўтказган олмалиқлик волейбол усталари чемпионат давомида жами 34 очко жамғариб, мусобақани иккинчи ўринда якунлади. Бу йилги чемпионлик 47 очко тўплаган "Ориент" жамоасига насиб этди. "Сўғдиёна" вакиллари эса 24 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга диплом, медаль ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**



## Инновацион технологиялар

### Ўзиюрар автобуслар хизматда



**Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида илк ўзи бошқарилувчи автобус йўналишга чиқарилди.**

Ўзиюрар автобус хизмати шаҳарнинг Кивикко туманида жорий қилинади. Ҳайдовчисиз автобуслар синовини ўтказиш ташаббусини "Metropolia" технологик университети билдирган. Синов давомида автобус хизматидан исталган одам фойдаланиши мумкин. Йўловчилар орасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича сўровнома ўтказиб борилмоқда.

Аслида, бу шаҳарда ҳайдовчисиз жамоат транспортининг илк синовлари 2016 йилдаёқ бошланган. Ўшанда Франциянинг EasyMile компаниясининг ҳайдовчисиз электр автобуслари Хернесаари туманида юра бошлаган. Хельсинки шаҳри Лондон, Лос-Анжелес ва Буэнос-Айрес билан бир қаторда шаҳар муҳитига ҳайдовчисиз транспортни жорий қилишга қаратилган Bloomberg Aspen Initiative лойиҳасида иштирок этмоқда.

### Ҳавони тозаловчи бино



**Италиялик ихтирочилар ҳавони автоматик равишда тозаловчи экологик материаллардан бунёд этиладиган бино лойиҳасини ишлаб чиқишди.**

Янги бино Миланда жойлашган бўлиб, унга Palazzo Italia номи берилган. У асосий вазифаси ҳавони тутун, чанг ва зарарли бирикмалардан тозалаш бўлган махсус материалли панеллар билан қопланган.

Италияликлар бундай натижага эришишда диоксид титан ва оддий цементнинг махсус бирикмасидан фойдаланишди. Бундай таркиб панеллар орасидан ўтаётган ҳавони тозалаб, ундаги азот зарраларини ушлаб қолишга қодир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас: ёқимсиз бирикмалар нафақат ҳаводан йўқ қилинади, балки кейинчалик ёмғир пайтида ювилиб кетадиган хавфсиз моддаларга (инерт тузларга) айлантирилади.

Бу экологик бинонинг ягона хусусияти эмас. У 40 фоизга кам энергия сарфлайди. Бино томи уни электр энергияси билан таъминловчи қуёш батареяли панеллар билан қопланган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди**

# ҲАЙКАЛЛАРНИ ХИЖОЛАТ ҚИЛМАНГ...

*Инсоннинг маънавий қиёфаси, аввало, қилаётган ишларида зуҳур топади. Зеро, маданиятли инсон ўз ҳаракатларини назорат қилишга қодир. Афсуски, комил инсон тарбияси борасидаги ютуқларимиз қаторида айрим камчиликларнинг сезилиши беқасам тўннинг енгига читдан ямоқ солгандек хунук кўринади.*

## Дарвоқе



Пойтахтимизда жойлашган "Адиблар хиёбони"да адабиётда ўзининг бетакрор асарлари билан ўчмас из қолдирган ёзувчи, шоирларимиз: Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саида Зуннунова, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган улуғвор ҳайкаллар ўрнатилган. Ободонлаштириш ишларидан сўнг хиёбон кўркам, хушманзара ва сокин масканга айланди. Бугун хиёбонга вилоятларимиз ва шаҳар аҳолиси тез-тез зиёратга келади. Сайр қилувчиларнинг аксарияти ёшлар экани қувонарли.

Аммо, муаммонинг асл сабаби ҳам шу. Бу ерга кўпроқ ёшлар келади. Шу боис, бу жой "ошиқлар хиёбони"га айланиб улгурган. Энг ёмони, уларнинг қилиқларига кўзимиз ўрганиб ҳам бўлди. Хўш, маънавият, маданият масканида бундай "муҳаббат изҳорлари"нинг бўлиши тўғрими?

– Мен ҳар куни кундузги соат 14:00 да дарсга йўл оламан, дам олишга мўлжалланган ўриндиқларда йигит-қизларнинг беҳаёларча ўтиришлари одамнинг ғашини келтиради, – дейди талаба Дилбек Эрназаров. – Бир-икки бор бу номақбулчиликлар назоратга олинди, лекин... "ошиқлар хиёбони"да ёшлар қаторида катталарнинг ҳам пайдо бўлгани янада ачинарли...

Адабиёт – ҳаммамизники. Шундай экан, "Адиблар хиёбони" ҳам барчамизнинг маънавий мулкимиз, уни асрабавайлаш, тоза ва озода сақлашга бурчлимиз.

Юқоридагидек хунук ҳолатлар, беҳаёликлар бизга асло ярашмайди.

**Нозим БЎРОНОВ,**
**Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси**

## Жиноятга жазо муқаррар

# «ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАН» ЙИГИТ

## арслоннинг бўғзидан луқмасини тортиб оладиганлар хилидан чиқиб қолди...

***Истеъдодлилар. Уларда қандайдир туғма қобилият борки, шу жиҳати билан кўпчиликдан фарқ қилишади. Эътиборлиси, истеъдодлилар катта имконият соҳиби бўлиб, ўз иқтидорини тўғри йўналтира олсалар, улкан ютуқларга эришадилар. Аслида бундай кишилар миллатнинг юзи ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.***

Назир Ниёзов (исм-шарифи ўзгартирилган) ана шундай иқтидор эгаси. У болалигидан математикага қизиққани учун ота-онаси: "Ўғлим банкир бўлади", дейишарди. Назир олий ўқув юртини аъло баҳоларга тамомлади. Унинг юриш-туришига тенгдошлари, маҳалла-кўй ҳавас қиларди. Қизимни бераман, деганларни айтмайсизми?

Аммо, бугун Ниёзовлар оиласи билан қуда бўлганлар адашганликларини яхши тушунаяптилар. Сабаби, куёвтўра суднинг қора курсисидан жой олди.

Бу воқеадан хабар топган яқинлар, қариндош-уруғ, дўстлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Наҳотки, қўй оғзидан чўп олмаган, одамларга яхшилик қилиб, бировнинг ҳақидан қўрқадиган йигит жиноятга қўл урса?!

Биласизми, курашда рақибининг икки елкасини ерга теккизган полвонлар учун, аслида, энг олий мукофот биргина сўз – "Ҳалол!". Шугина сўз беллашаётган марднинг ори, номуси, ғурури. Аслида, ҳаётнинг ўзи кураш майдони. Унда фақат мардлар бўлмаслиги рост.

Н. Ниёзов бир нечта масъулияти чекланган жамиятларнинг норасмий раҳбари сифатида фаолият юритиб, ноқонуний даромад орттиришни мақсад қилган. Табиийки, бу ишни уддалашда унга ҳамтовоқлари ёрдам берган. Ўзининг жиноий шериклари билан қатор қонунларни четлаб ўтиб, етмаганига, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортган. Бундан ташқари, мансаб мавқеидан фойдаланиб, савдо қоидаларини бузиб, жиноятлар туркумига кирувчи фаолият билан лицензиясиз шуғулланган. Албатта, унга банк соҳасида ишлаб орттирган билимлари асқотган.

Буни қаранги, "ишбилармон" турли давлатлар билан экспорт шартномалари тузиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний экспорти билан шуғулланган. Қисқа қилиб айтганда, Н. Ниёзов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳ сохта ҳужжатлар тузиб, давлат манфаатларига 5 миллиард 638 миллион 772 минг сўмлик зарар етказган. Жиноят жазосиз қолмайди, деганларидек, Н. Ниёзов ўз қилмишига яраша жазо оладиган бўлди.

Суд ҳукмига кўра, Назир Ниёзов 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Унга энг кам иш ҳақининг уч юз ўн баравари миқдорида жарима жазоси тайинланиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Дарвоқе, истеъдод ҳақида. Ниёзов ўзининг билим ва салоҳиятини давлат, жамият тараққиётига йўналтирганида эди, ота-онаси, оиласи, фарзандлари олдида боши эгилмаган бўларди.

**Илмира ЛАЗИЗОВА**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
14 252 нусхада чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва оператор Т. Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Эрали НОРБЕКОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-1753. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.15.